*Қонунчилик ва ҳуқуқ-тартибот учун!*

# Постда

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИИВ ҲАЙЪАТИ НАШРИ

1930 ЙИЛ 12 МАЙДАН ЧИҚА БОШЛАГАН

№№ 83—84
(2620—2621)
1993 ЙИЛ
22 ОКТЯБРЬ
ЖУМА

СОТУВДА ЭРКИН НАРХДА

*Бугунги сонда:*

*2-бет*
**ЖИНОЯТ КОДЕКСИ ЯНГИЧА БЎЛАДИ**

*4, 5-бетлар*
**ҲАФТАЛИК ТЕЛЕКЎРСАТУВЛАР ДАСТУРИ**

*7-бет*
БИР ПАС ҲОРДИҚ ОЛАЙЛИК РУКНИ ОСТИДА:
**ҲАЖВИЯ, ҲАНГОМА, ҲАНДАЛАР**

## БУ ЕРДА ҲАҚИҚИЙ ЙИГИТ БЎЛИБ ЕТИШАДИЛАР

***Ўзбекистон Республикаси ИИВ Ички қўшинлар бошқармасининг бошлиғи, ички хизмат полковниги Ҳ. Ҳожиматов билан суҳбат***



Ана шу бўлинманинг ҳудудига қадам қўярканман, бу ерда намунали тартиб ва интизом ҳукм суришини дарҳол ҳис этдим. Ҳозиргина эрталабки тақсим тугаб, бақувват йигитлар хизматни ўташ жойларига йўл олмоқда эдилар. Уларни кузата бориб, штаб биносига кирдим.

Ўзбекистон Республикаси ИИВ Ички қўшинлар бошқармасининг бошлиғи, ички хизмат полковниги Ҳ. Ҳожиматовни хизмат хонаси олдида учратдим. Суҳбатимиз узоқ давом этмаслигидан, бинобарин, шу кун учун режалаштирилган ишларга ҳалақит бермаслигидан мамнун бўлган суҳбатдошим мени ўз хонасига таклиф қилди. Хонадаги кенг иш столи ортидан жой эгаллаган суҳбатдошимнинг кайфияти ҳар қандай саволга жавоб беришга тайёрлигини кўрсатарди.

**— Ҳабибулла Рашидович, ички қўшинлар республика ички ишлар идоралари тузилмасида алоҳида, ўзига хос ўринни эгаллайди. Уларнинг вазифа ва бурчлари ҳақида нима дейиш мумкин, Ўзбекистон мустақилликка эришганидан сўнг нималар ўзгарди?**

— Агар қисқача айтадиган бўлсак, асосий вазифаларимизни қуйидаги тарзда белгилаш мумкин. Бу — алоҳида муҳим объектлар, коммуникациялар ва ташиладиган юкларни қўриқлашдир. Аҳлоқ тузатиш муассасаларини, яъни озодликдан маҳрум этиш жойларини қўриқлаш, шунингдек соқчилик қилиш вазифалари ички қўшинлар зиммасига юклатилган. Бундан ташқари, йигитларимиз ички ишлар идоралари билан ҳамкорликда жамоат тартибини сақлашга доир кўплаб тадбирларда иштирок этмоқдалар.

(Давоми 3-бетда).

## БИЛИМ ЮРТИ УЧ ЁШДА

Ўзбекистон Республикаси ИИВ Тошкент олий ҳарбий-техника билим юрти собиқ СССР ИИВ Олий курслари базасида ташкил этилган. Бу курслар 1980 йил 22 сентябрда йўлга қўйилиб, 1981 йилда курсларнинг Тошкент шаҳридаги мажмуи қурила бошланган эди.

Дастлаб курсларда Афғонистон Демократик Республикаси халқ милицияси ва бошқа мамлакатлар қўшин тузилмалари қўмондонлик таркиби тайёрланган ва қайта тайёрлаш вазифасини ҳал этиш билан шуғулланилган. Курсларни офицер кадрлар билан бутлашга катта эътибор берилди. Курсларга даставвал генерал-лейтенант Бурҳон Сирожиддинов бошлиқ қилиб тайинланди.

Билим юрти яхшигина базага эга, кейинги йилларда курсларни ҳарбий билим юртига айлантириш натижасида ўқув-моддий базани такомиллаштириш борасида олға қараб муайян қадам қўйилди. Масалан, махсус синфлар ва лабораториялар, яқин радиополигон, олис билан алоқа хонаси, муҳандислик майдончалари, спорт зали қайта жиҳозланди, билим юртининг ошхонаси таъмирланмоқда.

Билим юртини янгилаш жараёни енгил кечмади. Лекин ИИВ Олий курслари фахрийлари асос солган анъаналар туфайли бу қийинчиликлар бартараф этила борди.

Ўқув-тарбия жараёни дастурининг, Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазири ўртага қўйган вазифаларнинг муваффақиятли бажарилишида Афғонистон Республикасида байналмилал бурчини бажариб келган кишиларнинг ўз вазифаларини виждонан адо этишлари катта аҳамият касб этди.

1986 йили Афғонистон ИИВ Ҳайъати Олий курслар қўмондонлиги номига юборган миннатдорчилик хатида шундай дейилган эди: "Сизнинг қардошларча ёрдамингиз мамлакатимиз тарихига олтин ҳарфлар билан абадий ёзиб қўйилади ва келгуси авлодларни илҳомлантиради".

Билим юртининг офицерлари 1990-1991 йилларда фавқулодда ҳолат юз берган жойларда чиниқдилар, полковниклар В. Огалец, В.Окишев, С.Бабиченко, подполковник И.Камолов кабилар юксак давлат мукофотлари билан тақдирландилар. Буларнинг ҳаммаси ўқув-тарбия жараёнининг сифатини оширмоқда. Шуни таъкидлаш керакки, бир қатор ҳарбий хизматчилар ўқув жараёнига қўшган ҳиссалари, ҳарбий бурчга виждонан муносабатда бўлганлари учун Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазири томонидан тақдирландилар.

Билим юртининг профессор-ўқитувчилар таркиби қўшин бўлинмаларида узоқ вақт хизмат қилган, шахсий таркиб билан ишлашда катта амалий тажрибага эга бўлган офицерлар билан бутланди. Бу эса курсантлар ва тингловчиларга таълим-тарбия беришда Ўзбекистон Республикаси ИИВ Ички қўшинлари ҳаёти ва фаолияти билан боғланишни мустаҳкамлашга имкон яратмоқда. Ҳозир бу ерда 17 фан номзоди, 2 доцент, 5 илмий унвон талабгори фаолият кўрсатмоқда.

Жамоага ана шу уч йил ичида зиммаларидаги вазифаларини ўз саъй-ҳаракатларини кучайтирган ҳолда ҳал қилишга тўғри келди. 1990-1993 йилларда курсантлар ўқишга уч бор қабул қилинди. Прапоршчикларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш экстернатини такомиллаштириш куллиётида 1993 йили билим юртини муддатидан олдин 72 офицер тугатди, 312 прапоршчик тайёрланди.

Билим юртининг шаклланиши ҳам доимий, ҳам ўзгарувчан таркиб кадрларининг қўнимсизлиги катта бўлган шароитда юз бермоқда, командир-ўқитувчилар таркибининг янгиланиб туриши жамоатчилик фикрига таъсир кўрсатмоқда. Шу билан бирга янги кучларнинг келиб қўшилиши, ташкилотчилик иши жамоага кадрларни тайёрлаш бўйича вазифаларни муваффақиятли ҳал этиш имконини бермоқда.

Республикамиз учун одатий бўлмаган янги ўқув йили ҳам 3 та курс, ҳам эски, ҳам янгидан тузилган жанговар қобилиятли кафедралар, яхшигина ўқув-моддий база билан бошланди.

15 октябрда билим юрти қайтадан ташкил этилганига уч йил тўлиши муносабати билан унинг шахсий таркиби бу санани тантанали равишда нишонлади. Унда Республика Ички ишлар вазирлигининг масъул ходимлари, узоқ-яқиндан келган меҳмонлар, ота-оналар иштирок этдилар. Йиғилганларни билим юрти санъаткорлари ўзларининг куй-қўшиқлари, рақслари билан хушнуд этдилар.

**М.ТИЛЛАЕВ.**

## ИККИ ЖУМА ОРАЛИҒИДА

### БИРДАНИГА ТЎРТ КИЛОГА "ОЗДИ"

15 октябрь куни Марғилон темир йўл бекатида Тошлоқ туманида яшовчи 25 ёшли Ш. Орипов текшириб кўрилди ва унинг ёнидан тўрт килою 550 грамм наша топилди. Ноқонуний равишда "юкли" бўлиш йигитга қимматга тушадиган бўлди.

### "СУБҲИДАМ"ДА "ҚОРОНҒУЛИК ЧЎКДИ"

Самарқанд шаҳридаги "Субҳидам" савдо ишлаб чиқариш акционерлик жамиятига қарашли 50-дўкон сотувчиси С. Қурбонова 964650 сўмлик вино, чой ва хорижда ишлаб чиқарилган сигареталарни пештахта чангига "бўктириб" қўйган экан. Дўконда тафтиш ишлари бошлаб юборилган.

### БУ ЁҒИ ҚАНДОҚ БЎЛДИ, ОТАХОН?

Самарқанд вилоятининг Ургут туманида яшовчи 64 ёшли қария Х. Эргашевнинг уйидан бир килограмм гиёҳванд модда — наша, 2300 АҚШ доллари, ИИБда рўйхатга олинмаган ўқотар қурол топилди. Ҳақиқатан ҳам "Кексанинг ёшини сўрама, ишини сўра", деб бежизга айтиб ўтишмаган экан-да.

### БУНИСИ АНТИҚА КАШФИЁТ БЎЛДИ-КУ

Фарғона туманининг Хонқиз қишлоғида яшовчи, шу қишлоқ чойхоначиси К. Эргашев самовар билан қувурнинг фарқига бормай қолибди. Ишбилармон йигит қишлоқ ҳудудидан ўтувчи бензин қувурини тешиб (жўмрак ўрнатмаган), 750 литр бензинни "чойнагига" қуйиб олибди. Яхшики, бу йирик "кашфиёт" йўлига вақтида тўсиқ қўйилди.

### МАСТЛИК + ЖАНЖАЛ = ?

Қорақалпоғистон Республикасининг Қораузоқ туманидаги Калинин номли давлат хўжалигида пахта йиғим-теримида қатнашаётган Нукус автомобиль йўл қурилиши техникуми 2-курс талабаси Ж. Файзуллаев шу хўжаликнинг дала шийпонида маст ҳолда нукуслик ҳамкурси Т. Юсупов билан жанжаллашиб қолди ва унга қарата ойна синиғини отди. Натижада кўкрагидан жароҳат олган жабрланувчи касалхонага олиб борилди. Аммо умри қисқа экан. Жиноятчи ушланган.

### ЭҲТИЁТКОРЛИК ҲАММА ВАҚТ ЗАРУР

17 октябрь куни Фарғона вилоятининг Бағдод туманида Ўзбекистон жамоа хўжалиги фуқароси, шу хўжалик тракторчиси К. Аҳмадиёров озгина эҳтиётсизликка йўл қўйди ва бевақт қайтиш қилди. У пахта қабул қилиш пунктида пахтани бўшатаётиб, тагида қолиб кетди. Уни пахта уюми орасидан тортиб олганларида эса кеч бўлганди...

### БИР ЁҚДАН ТЕРАМИЗ, БИР ЁҚДАН...

Навоий вилояти, Хатирчи туманидаги Ибн Сино номли жамоа хўжалигининг 1-бригадаси пахта даласида ёнғин содир бўлди. Шу хўжаликда яшовчи 12 ёшли А. Холиқов, А. Остокаевлар ва 9 ёшли О. Жўраев, К. Бердиевлар бункердан бўшатилган пахта устида ўзларича "сигарета чекишган". Оқибатда ёнғин чиқиб, болакайлар турли даражада тан жароҳатлари билан касалхонага ётқизилган. Терговни прокуратура олиб бормоқда.

**Ўзбекистон Республикаси ИИВ матбуот маркази.**

# ЖИНОЯТ КОДЕКСИ ЯНГИЧА БЎЛАДИ

***Қирқ йилдан кўпроқ ўқитувчилик қилган, Қорақалпоғистоннинг Беруний шаҳрида истиқомат қилувчи меҳнат фахрийси Гулуммат Қаландаров таҳририятга ёзган хатида ёшларнинг ҳуқуқий малакаларини оширишда Жиноят кодекси ва Жиноят жараёни кодексларидан аниқ мисоллар келтириб берилган сабоқлар самарали бўлганини эслатган. Айни пайтда бундай ҳуқуқий актларнинг ўзбекча нашрини топиш қийинлигидан ташқари, ижтимоий ва мулкий муносабатларнинг ўзгариши, бозор иқтисодиётига ўтилиши билан олдин тайёрланган кодексларнинг кўплаб қоидалари бугунги ҳаётга тўғри келмай қолгани ҳам сир эмас. Буни бизга келаётган кўплаб хатлардан ҳам билса бўлади.***

***Маълумки, ана шундай сабабларни эътиборга олиб ва янги давр тақозоси, республика Президентининг кўрсатмаси ва Олий Кенгаш қарори билан бир қатор янги кодексларни ишлаб чиқишга киришилган эди. Бу масала Олий Кенгашнинг кейинги машварати кун тартибидан ҳам жой олгани бежиз эмас. Айни кунларда лойиҳалар тайёрланиб, жамоатчилик муҳокамасига ҳавола қилиниш арафасида. Биз бир неча саволлар туздик ва уларга жавоб беришни Ўзбекистон Республикаси янги Жиноят кодекси лойиҳасини тузиш ишчи комиссиясининг аъзолари, республика адлия вазирининг ўринбосари Маъмур ЖАЛИЛОВ ва Тошкент давлат юридик институтининг доценти Йўлдош ҚАРАКЕТОВДАН илтимос қилдик.***

**САВОЛ: Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексини янгидан қабул қилишнинг зарурати қай даражада?**

**ЖАВОБ:** Ҳозирги кунда амалда бўлган Жиноят кодекси 1959 йил 21 майда Ўзбекистон ССР Олий Совети томонидан қабул қилинган. Унда Ўзбекистон ССРнинг 1926 йили қабул қилинган Жиноят кодексининг жуда кўп нормалари олинган. Ҳозирги кунгача бу Жиноят кодексига 350 дан ортиқ қўшимча ва ўзгартишлар киритилган. Ана шу жараёнда кўп чалкашликлар, бир-бирига зид бўлган нормалар анчагина кўпайиб, амалда жуда кўп қийинчиликларни туғдирмоқда.

Бундан ташқари амалдаги Жиноят кодекси собиқ СССР даврида қабул қилинган бўлиб, мазмуни изоҳларсиз ҳам аниқ.

Муҳими — мустақил Ўзбекистоннинг Конституцияси қабул қилинди. Ана энди барча қонунлар, шу жумладан, янги жиноят қонунини ишлаб чиқиш даврнинг изчил вазифаларидан бири бўлиб қолди.

**САВОЛ: Янги Жиноят кодекси амалдагисидан қандай фарқ қилади?**

**ЖАВОБ:** Янги ишлаб чиқилган Жиноят кодексининг лойиҳаси амалдаги кодексдан тамоман фарқ қилади. Бу фарқ энг аввало мустақил давлатнинг жиноят қонуни эканлигидан иборат бўлади. Бу қонун энди социалистик ижтимоий муносабатларни эмас, балки энг аввало инсонни ҳимоя қилади, шаклланаётган янги ижтимоий муносабатларнинг ривожланишини, қонунларнинг тўғри бажарилишини таъминлашга хизмат қилади.

Бу кодекслар тузилиши жиҳатидан ҳам фарқ қилади. Амалдаги Жиноят кодексининг умумий қисми тўрт бўлимдан (53 моддадан) иборат бўлса, янги Жиноят кодекси лойиҳасининг умумий қисми саккиз бўлимдан (89 моддадан) иборат. Амалдаги Жиноят кодексида 257 модда кўзда тутилган бўлса, янги кодекснинг лойиҳасида 334 модда таклиф қилинмоқда. Амалдаги Жиноят кодексининг махсус қисми II бобдан иборат бўлса, янги кодекснинг махсус қисми 8 бўлим ва 18 бобдан иборат тартибда ишлаб чиқилди.

Лойиҳада алоҳида атамаларнинг юридик мазмунини очиб берувчи атамалар боби ҳам бўлиб, унда 42 атаманинг мазмуни берилган.

**САВОЛ: Янги кодекснинг лойиҳасида қандай жиноий жазолар кўзда тутилмоқда?**

**ЖАВОБ:** Аввало шуни айтиш кераkки, амалдаги Жиноят кодексида назарда тутилган бир қатор жазолар суд амалиётида жиноят содир қилган шахсларга нисбатан қўлланмайди. Айниқса Ўзбекистон Республикаси ўзининг мустақиллигига эга бўлганидан кейин бундай жазоларни қўллашга эҳтиёж ҳам қолмайди. Булар, масалан, сургун қилиш, бадарға қилиш, вазифасидан бўшатиш, жамоат иззаси, етказилган зарарни қоплаш мажбуриятини юклаш жазоларидир. Бу жазо турлари янги Жиноят кодекси лойиҳасида кўзда тутилмайди.

Лойиҳада қуйидаги жиноий жазо турлари таклиф қилинмоқда: 1. Жарима. 2. Маълум ҳуқуқлардан маҳрум қилиш. 3. Ахлоқ тузатиш ишлари. 4. Озодликни чеклаш. 5. Қамоқ. 6. Озодликдан маҳрум қилиш.

Ҳарбий хизматчиларга нисбатан хизмат бўйича чеклаш ва интизомий батальонга жўнатиш жазолари ҳам қўлланиши мумкин.

Истисно тариқасида айрим алоҳида оғир жиноятлар учун ўлим жазоси — отиб ўлдириш ҳам қўлланиши мумкин. Асосий жазолардан ташқари қуйидаги қўшимча жазолар ҳам қўлланиши мумкин: 1. Ҳарбий ёки махсус унвонлардан маҳрум қилиш. 2. Мол-мулкни мусодара қилиш.

**САВОЛ: Лойиҳада ўлим жазоси тайинлаш кенгайтирилдими ёки қисқартирилдими?**

**ЖАВОБ:** Амалдаги Жиноят кодексида тинч даврда 17 турдаги жиноят учун, уруш даврида эса жами 30 жиноят учун ўлим жазоси тайинланиш мумкинлиги кўзда тутилган. Ўлим жазоси тайинланадиган жиноятлар доираси тўғрисида, ҳатто ўлим жазосини тамоман қонундан чиқариб ташлаш тўғрисида олимлар, амалий иш ходимлари ўртасида кўп йиллардан бери турли фикрлар, мунозаралар билдирилди. Ҳозирги кунда ўлим жазосини Жиноят кодексидан умуман чиқариб ташлашга асос борми? Бизнинг фикримизча, алоҳида оғир жиноятларни ўта раҳмсизлик билан содир қилишлар бўлаётган экан, бу жазони чиқариб ташлашга ҳали эрта. Айниқса, кўплаб одамларнинг ҳаётига тажовуз қилиш ҳодисалари содир бўлиб турибди. МДҲга кирувчи давлатларда сўраб кўрилган кишиларнинг 90 фоизи ўлим жазосини қолдириш тарафдори бўлган.

Жиноят кодексининг янги лойиҳасида ўлим жазоси тайинланиши мумкин бўлган жиноятлар рўйхати қисқартирилди. Фақат айбни оғирлаштирадиган ҳолатларда; қасддан одам ўлдириш ва давлатга қарши жиноятларнинг айримлари учун ўлим жазосини қўллаш мумкинлиги кўзда тутилмоқда.

**САВОЛ: Жиноят кодекси лойиҳасида тиббий характердаги мажбурий чораларни қўллаш, қилмишнинг ижтимоий хавфлилиги ва ҳуқуққа хилофлигини истисно қиладиган ҳолатлар ва вояга етмаганларнинг жиноий жавобгарлиги лойиҳанинг умумий қисмида алоҳида бўлимларда берилиши асослими?**

**ЖАВОБ:** Кейинги йилларда алкоголизм, гиёҳвандлик, заҳарвандлик (токсикомания) касалига йўлиққан шахсларнинг жиноят содир қилишлари кўпайди. Бундан ташқари жиноят содир қилиш вақтида ва жиноят қилганидан кейин руҳий касал бўлиб қолган шахслар ҳам тез-тез учраб турибди. Қонунда уларнинг содир қилган жиноятлари учун жазо тайинлашнинг алоҳида тартиби белгиланган бўлиб, жиноий жазо тайинлаш билан бирга тиббий характердаги мажбурий чоралар ҳам қўлланиши керак.

Лойиҳада қилмишнинг ижтимоий хавфлилигини истисно қиладиган ҳолатлар доираси анча кенгайтирилди. Булар: зарурий мудофаа, охирги зарурат, жиноятчини ушлаб туриш, ишлаб чиқариш таваккалчилиги, жиноят қилишдан ихтиёрий бош тортиш кабилар. Масалан, амалдаги Жиноят кодексининг 13-моддасида фақат зарурий мудофаа тушунчасини бериш билан кифояланилган бўлса, лойиҳадаги шу нормада унинг тушунчасини бериш билан бирга, зарурий мудофаани қўллаш ҳуқуқи ва шартлари кўрсатилди. Жумладан, ёрдам сўраб бировга, ҳокимият органига мурожаат қилиш, қочиб қутулиш имкониятлари бор ёки йўқлигидан қатъи назар, қонун ҳар бир кишига зарурий мудофаани қўллаш ҳуқуқини беради.

Вояга етмаганларнинг жиноий жавобгарлиги масаласида эса шуни айтиш мумкинки, Жиноят кодексининг нормаларида уларга нисбатан жазо тайинлашнинг алоҳида тартиби белгиланган. Уларга нисбатан тайинланадиган жазо турларида жазони ўташ муассасаларида кўпроқ вояга етмаганларни тарбиялашга қаратилган чоралар қўлланади. Шунингдек, тарбиявий характердаги мажбурий чоралар фақат вояга етмаган вақтда жиноят содир қилган шахсларга нисбатангина қўлланади. Жиноят кодексининг жазо тизимида кўзда тутилган барча жазо турларининг ҳам вояга етмаганларга нисбатан қўлланиши мумкин эмас. Вояга етмаганларга нисбатан тайинланиши мумкин бўлган озодликдан маҳрум қилишнинг энг кўп муддати ўн икки йилдан ошмаслиги керак ва улар бу жазони тарбия меҳнат колониясида ўтайдилар.

**САВОЛ: Лойиҳада “озодликни чеклаш“ деган янги жазо тури кўрсатилибди...**

**ЖАВОБ:** Амалдаги жиноят кодексида жиноий жазо ҳисобланмаган “озодликдан шартли равишда маҳрум қилиб, маҳкумни мажбуран жалб қилиш“ қўлланиб келинмоқда ($23^2$-модда). Бу чора жиноий жазодан озод қилиш чораси, яъни озодликдан маҳрум қилишни шартли равишда ўташ институти ҳисобланса-да, унда жазолашнинг ҳамма белгилари бор. Ана шу институт тажрибаси асосида, “Озодликни чеклаш“ жиноий жазо сифатида таклиф қилинмоқда. “Озодликни чеклаш“ жазоси қасддан қилинган жиноятлар учун 6 ойдан уч йилгача, эҳтиётсизликдан содир қилинган жиноятлар учун беш йилгача муддатга тайинланиши мумкин. Бу жазога ҳукм қилинганлар жазони алоҳида белгиланган жойларда меҳнатга мажбуран жалб қилинган ҳолда ўтайдилар.

Озодликни чеклаш жазосини вояга етмаганларга, меҳнатга қобилиятсиз кишиларга, ҳомиладор аёлларга, 14 ёшгача бўлган боласи бор аёлларга ва ҳарбий хизматчиларга нисбатан тайинламаслик таклиф қилинмоқда.

**САВОЛ: Жарима жазоси кўзда тутилган нормалар доираси ва миқдори ҳақида қандай ўзгаришлар бўлади?**

**ЖАВОБ:** Амалдаги Жиноят кодексида жариманинг миқдори давлат томонидан белгиланган энг кам ойлик иш ҳақи баробаридан (масалан, 20 баробари, 50 баробари ва ҳоказо) қатъий сўмларда белгилаб қўйилган. Бунда ҳар бир жиноят содир қилган шахснинг ойлик даромади, моддий аҳволига қараб жарима миқдори тайинлашнинг иложи йўқ. Масалан, айтайлик, бир кишининг бир ойлик иш ҳақи 5 минг сўм бўлган бўлса ва унга нисбатан давлат томонидан белгиланган энг кам ойлик иш ҳақининг 20 баробаридан жарима жазоси тайинланса, бу миқдор унга жуда оғирлик қилади. Ойига 100 минг сўм даромад қиладиган кишига нисбатан эса энг кам ойлик иш ҳақининг 20 баробари унчалик аҳамиятли бўлмайди, яъни бундай миқдордаги жариманинг жазолаш хусусияти бундай шахс учун унча сезилмайди.

Шунинг учун жариманинг миқдорини белгилашда у энг кам ойлик иш ҳақи баробаридан эмас, балки ҳар бир айбдорнинг ҳар ойда оладиган даромади баробаридан олиниши мақсадга мувофиқ бўлади ва лойиҳада ана шундай тартиб таклиф қилинмоқда.

**САВОЛ: Жиноий жазолар таркибида озодликдан маҳрум қилишни қўллаш мумкинлигини назарда тутувчи нормалар кўпайдими ёки камайдими? Озодликдан маҳрум қилишнинг муддатида ўзгаришлар бўладими?**

**ЖАВОБ:** Бу саволга қисқача таҳлил орқали жавоб бериш мақсадга мувофиқдир. Амалдаги Жиноят кодекси махсус қисм нормаларининг 40 фоизи санкциясида фақат озодликдан маҳрум қилишда кўзда тутилган, яна 40 фоизида озодликдан маҳрум қилиш муқобил жазо тарзида бошқа жазо билан бирга берилган, 4 фоиз моддаларда ўлим жазоси — отиб ўлдириш билан бирга муқобил тарзда кўзда тутилган.

Озодликдан маҳрум қилишни ҳар қандай жиноят учун тайинлайвериш ижобий натижаларга олиб келмаслигини кўп йиллик тажриба кўрсатмоқда. 1960 йилдан 1990 йилгача собиқ СССРдаги ахлоқ тузатиш-меҳнат колонияларида юз минг киши жазони ўтаб чиқди. “Известия“ газетасида эълон қилинган маълумотларга кўра, Россия Федерацияси аҳолисининг 13 фоизи суднинг қора курсисида ўтириб чиққан. Озодликдан маҳрум қилишнинг самараси жуда паст бўлмоқда. Шунинг учун Жиноят кодексининг лойиҳасида озодликдан маҳрум қилиш жазоси кўрсатилган моддалар камайтирилиб, ўрнига бошқа жазолар кўзда тутилган. Унинг муддати қуйидагича таклиф қилинмоқда: оғир жиноятлар учун 6 йилдан 10 йилгача; алоҳида оғир жиноятлар учун 15 йилгача; бир неча жиноятлар жами учун жазо тайинланганда содир қилинган жиноятлардан бири алоҳида оғир жиноят бўлса — 20 йилгача, бир неча ҳукмлар юзасидан жазо тайинланганда 25 йилгача. Шунингдек, ўлим жазосини авф этиш тарзида озодликдан маҳрум қилиш билан алмаштирилганда ҳам 25 йилгача муддат белгилаш таклиф қилинмоқда.

**САВОЛ: Жиноят кодексини ишлаб чиқиш ҳозир қайси босқичда?**

**ЖАВОБ:** Ҳозирги кунгача Жиноят кодексининг лойиҳаси тайёрланиб, мутахассислар ўртасида, давлат комиссиясида бир неча марта муҳокама қилинди ва маъқулланди. Шундан кейин тайёрланган лойиҳа ўрганиб чиқиш ва ўз мулоҳазалари, таклифларини беришлари учун ҳуқуқни муҳофаза қилиш давлат органларига юборилди. Ҳозирги кунда Жиноят кодекси лойиҳасини ишлаб чиқиш комиссияси Ўзбекистон Республикаси Олий суди, Ҳарбий трибунали, Прокуратураси, адвокатура, Миллий хавфсизлик хизмати, Ички ишлар вазирлиги томонидан ёзма равишда берилган тавсия ва таклифларни ўрганиб, кодексга ишлов бермоқда.

**Ҳ. САТТОРИЙ.**
**(“Халқ сўзи“ газетасидан олинди).**

# ОМБОР ҚАЙСИ ТОМОНДА?

Бепоён ғаллазорларимиздан ғалла-дон маҳсулотлари йиғиштириб олинди. Давлат омборига тонналаб маҳсулот топширилди. Бироқ мавсум давомида, ғаллани давлат омбори қолиб, ўз уйига ташиганлар ҳам бўлди.

Шундайлардан бири Муборак туманидаги "Бухоро" давлат хўжалигининг ғаллачилик бригадаси звено бошлиғи Суюн Бозоровдир. У 1170 килограмм арпани ҳеч бир ҳужжатсиз уйига ташиб келтирганда ушланди. Дон хўжалик омборига тўкилди. Шу хўжаликнинг бригада бошлиғи Абдумўмин Боллиев эса ўзим хон, кўланкам майдон қабилида 2900 килограмм арпани ўзиники қилиб олганди. Бу арпанинг нархи 110 минг 200 сўмни ташкил этади. Тўпланган материаллар юзасидан туман ички ишлар бўлимида тергов ишлари олиб борилаяпти.

Нишон туманидаги 2-"Чорагил" жамоа ширкат хўжалигининг бригада бошлиғи Чори Ҳайдаров ўзига бириктирилган ғалла майдонидан 2500 килограмм буғдойни яшириб қўйганда ушланган. Шу туманнинг "Қаршиқурилиш" трестига қарашли ёрдамчи хўжаликнинг бош ҳосилотчи Р. Раҳмонов ҳам пайтдан фойдаланиб қолиш мақсадида 1945 килограмм буғдойни уйига тўктирди. Бироқ у ғаллани қаердан олганини сир тутишга уринди. Гўё ўткинчи машиналардан арзон-гаров нархда олиб қолганмиш.

Халқимизнинг ризқи бўлган донни талон-торож қилиш оғир жиноят. Ўйлаймизки, ҳар бир хўжалик раҳбари бу борада назоратни кучайтиради.

**А. САНАЕВ,**
**Қашқадарё вилоят ИИБ ИЖК бўлими масъул вакили, милиция капитани.**
**Ў. ҲАЙДАРОВ,**
**матбуот гуруҳи катта нозири, ички хизмат катта лейтенанти.**

## *БИР ПАС ҲОРДИҚ ОЛАЙЛИК*

# “МЎЙЛОВ“

Вокзал ола-ғовури ортда қолди. Тошпўлат ака жомадонини кўтарганча купесига борди. Купенинг чап томонидаги қуйи ўриндиқда бир эркак, тепада семиз аёл ухлаб ётар, ўттиз ёшлардаги мўйловли бир йигит эса столга турли егуликларни ейиб, ўртасига шишани қўққайтириб ўтирарди. Тошпўлат акани кўрган мўйловли йигит ўрнидан турди.

— Э, келинг, келинг, раис ака. Қани, юкингизни беринг, — деди у жомадонга қўл чўзиб. — Тагига қўйиб қўямиз, — у ўриндиқни кўтарди ва жомадонни жойлади.

— Раҳмат, ака, — Тошпўлат ака ҳорғин ўтирди.

— Худо хоҳласа, Тошкентгами?

— Ҳа, бир шамоллаб келай, — Тошпўлат ака дўпписини кўтариб бошини қашиди. — Анча бўлди бормаганимга. Роса ўзгариб кетгандир-а?

— Ва-а, бутун шаҳар дўконга айланиб кетган. Бир жойда-чи, раис ака, ҳожатхонани ҳам дўкон қойил қолдираётганидан мағрурланиб давом этди.

— Ўғриларнинг зўрлигини айтмайсизми? Битта хотиннинг пулини "уриб" кетибди, трамвайда. Тағин уни қарангки, эри сўкса, "мен шилқимлик қиляпти" деб ўйлабман-да, дермиш.

— Ҳа, ўғрига тараф йўқ, — деди Тошпўлат ака чордона қуриб оларкан.

— Ҳозир мол ўғрилари ҳам кўпайган, — деди Мўйлов арoқ қуйиб ичаркан. — Сизларда ҳам кўпми?

— Худога шукур, бизда тинч.

— Чиноз томонда битта мол йўқолиб қолган экан. Неччи ой излаб топишолмабди. Кейин билишса, шундоққина девор қўшниси ўғирлаган экан. Нима қилибди денг, молни ўғирлаб бир жойга яширибди. Кейин темир трубани чўғдай қиздириб, молнинг шохига тиқиб шохни пастга эгибди. Бозор куни эрталаб худди сотиб олгандай етаклаб келибди.

— Эгаси танимабдими? — қилиб олишибди-ёв! — Мўйлов тошиб кетди. У ҳамсуҳбат топилганидан хурсанд эди. — Пул ҳазондай кўчаларда ётибди, лекин олсангиз ярми йўқ.

— Энди, шунақаси ҳам бўларкан-да. Бир пайтлар "юз сўмлик қанақа рангда" деб юрардик...

— Яшанг, ака, қўлни ташланг! — Мўйлов завқланиб қўл узатди.

— Ана, қоплаб кўтариб юраверсин. Ҳалиги, юз грамм оласизми?

— Йўқ, йўқ. Кўпдан бери ичмайман, — Тошпўлат ака ўзини орқага ташлаб нарироқ сурилди.

Поезд секин ўрнидан жилди ва тезлай бошлади. Тобора ғилдираклар тарақлаши кучайиб, тепадаги чироқ ёруғлашди. Мўйлов ароқ қуйиб ичди-да, кафти билан лабини артаркан деди:

— Бир томондан ичмаган яхши, нархи осмонга чиқиб кетди. Топиш ҳам қийин. Тунов куни бир дўкон ёнидан ўтиб кетаётсам, танишим турган экан. Икковимиз "колхозная мутная"дан тортдик.

— "Колхозная мутная"си нима? — сўради Тошпўлат ака кулимсираб.

— Уми, ҳалиги, — мўйлов ҳохолади, — колхозлар мусаллас ишлаб чиқаришади, қанча сув қўшилса ҳам билинмайди... Ҳўкиздай-ҳўкиздай одамларга у нима бўларди. "Ярмта оқидан ичайлик" деди шеригим. "Қаердан оласан?" деб сўрадим. У сал нарида турган учта татар болани кўрсатди ва ўша томонга юрди. Пулини бериб, шишани қўйнига тиқди. Кейин мени ошхонага судради. Кириб столга ўтирарканмиз, бизга аллақандай одам қўшилиб олди. Қарасак, ўрта ёшлардаги туппа-тузук одам. Унга ҳам ароқ узатишга тўғри келди. Ҳалиги киши жиғари оғриши, лекин биз яхши йигитлар бўлганимиз учун ичишини айтиб, сурбетлигини яшириш мақсадида узундан-узоқ нутқ сўзлади. Кейин ароқни бир ҳўплади-ю, таққа тўхтади. Ҳайрон бўлдик. Кейин билсак, сув экан...

Мўйлов қийқириб кулган эди, ухлаб ётган йўловчи ҳуштаксимон хуррагини бир зум тўхтатиб, лабларини овқатнинг тузини кўраётгандай чапиллатиб қўйди. Тошпўлат ака орқага суянганча жилмайиб ўтирарди. Мўйлов уни қизиқиб сўради Тошпўлат ака.

— Танимаган-да. Ўғри тўйдан маст бўлиб келаётиб ўртоқларига мақтаниб қўйган... Мен чиқиб чекиб келай.

Йўлакда қадам товушлари тинган, поезд тарақлаганча тебраниб аллалаб борар эди. Тошпўлат ака жойини тузатди-да, чиқиб ётди. Қаттиқ чарчаганидан уйқуга кетди. Мўйлов қайтиб кириб, ҳамсуҳбат йўқлигидан бирпас деразага тикилиб ўтиргач, ўрнига чўзилди.

У қанча ухлаганини билмади. Аммо тонг ёриша бошлаганди. Ҳамроҳларига разм солди. Ҳамма қаттиқ уйқуда. У кийиниб олди ва ташқарига чиқиб келди. Поезднинг юриши секинлашганди. Мана, тўхтади. Мўйлов юраги гупиллаганча ўриндиқни кўтариб Тошпўлат аканинг жомадонини олди ва чўчиб эгасига қаради. Тошпўлат ака қимир этмасди. Мўйлов ўзини йўлакка урди. Пастга тушиб юк сақлаш хонасига шошилди. Автомат камераларнинг деярли ҳаммаси бўш эди. Улардан бирига жомадонни жойлаб эшигини ёпти.

Мўйлов тушгача шаҳарда сандироқлаб юрди. Шундан сўнггина вокзалга қайтди. Жомадон ичидаги нарсалардан умиди катта эди. Бир ресторанга кириб бўкишни ўйларди. У аланглаганча камера ёнига келди. Бироқ автомат камерага терган рақамлари эсидан чиққанди. Қанча зўр бериб уринмасин сира ёдига тушмади. Аллақанча рақамларни териб ҳам кўрди, бўлмади. Тўсатдан "вокзал навбатчисига айтиш мумкин-ку" деган фикр келди калласига ва суюниб кетди.

— Келинг, хўш? — деди навбатчи телефондан бўшагач.

— Сақлаш камерасига жомадон қўйгандим, терган номеримни эслолмаяпман, — деди Мўйлов пешонасини тириштириб.

— Ариза ёзинг.

Мўйлов навбатчи айтгандай ариза ёза бошлади.

— Жомадон ичида нималар борлигини кўрсатинг.

Мўйлов қотиб қолди, ранги оқарди. Навбатчи сездирмай милицияга уланган сигнал тугмачасини босди...

**Ориф ФАРМОН.**

# ХАНДАЛАР

— Бир нарсага алоҳида эътибор беришларингни сўрайман, — деди адвокат суд ҳайъатига. — Судланувчи оддийгина ўғирлик қилган.

Унинг гапини судланувчи бўлди:

— Оддийгина? Нега энди оддийгина? Қани, бир ўзингиз ўғирлик қилиб кўринг-чи.' Бу шунчалик оддий иш эканми?

***

Бир киши вагонларни айланиб чертиб кўрарди. Темирйўл хизматчиси ҳайрон бўлиб сўради:

— Нимага вагонларни чертяпсан?

— Паттада "юмшоқ вагон" деб ёзилган экан, шуни қидиряпман.

***

Бир аёл машинасини "юз"га босиб бораркан, йўл назорати полицияси қувиб қолди. Шу пайт бензин қуйиш станцияси кўринди, аёл машинани тўхтатиб тушди-да, ҳожатхонага қараб чопти. У ердан қайтиб чиқиб, машинасини полициячилар ўраб олганини кўрди. Аёл майин кулимсиб деди:

— Нимага шошилганимни тушунган бўлсаларинг керак, деб ўйлайман.

***

Судья суд залидан чиқа солиб, баралла кулиб юборди.

— Нима бўлди? — сўрашди ундан.

— Сталин ҳақида шунақа латифа эшитдимки, кулавериб ўлиб қоласан.

— Қани, айтиб бер-чи.

— Йўқ, уни айтган одамни ҳозиргина ўн беш йилга қамадим.

***

Ўттиз еттинчи йиллар. Қамоқхонада назоратчи маҳбусдан сўради:

— Нимага қамалгансан?

— Ҳеч нарсага.

— Алдаяпсан, ярамас. Ҳеч нарсага ўн йил беришади, сенга ўн беш йил беришган.

***

— Сиз сиёсий маҳбусмисиз ё оддий жиноятчими?

— Сиёсий маҳбусман. Сантехникман. Трубаларни кўздан кечириб, "бутун системани ўзгартириш керак" дегандим, партия қўмитасига чақириб...

***

Терговчи:

— Сиз бу пичоқни танийсизми?

— Албатта.

— Демак, танийсиз?!

— Ахир, қандай танимай, сиз уни уч ҳафтадан бери ҳар куни кўрсатасиз-ку!

**Тўплевчи Ф. ОРИПОВ.**



*«Қўлга тушди...»*

*Воқеий ҳангомалар*

## ДЕВЯТОВ ВА ДЕСЯТОВ

Сирдарё вилоятидаги идоралардан бирида Саид ака Девятов деган одам ишларди. Илоҳи, жойлари жаннатда бўлсин. Онгли умри деярли тўлигича Гулистондаги шу идора раҳбарининг муовини вазифасида ўтди.

Бир куни Боёвут туманига буриладиган жойдаги 74-механизациялашган кўчма колонна ишчиларидан бирининг иши бўйича Саид ака ўша колонна бошлиғига қўнғироқ қилибди.

— Мен Девятовман, сиз кимсиз?

— Жуда яхши, — дебди колонна бошлиғи ва ўзини таништирибди: — Мен Десятовман, нима гап?

— Нега мени майна қиляпсиз? Мендан ортиқ жойингиз борми? — дебди Саид ака жаҳли чиқиб.

— Ортиқлик жойим фақат битта экан, — дебди колонна бошлиғи. — Гапираверинг, қулоғим сизда.

— Паспортингизни олиб вилоят прокуратурасига етиб келинг, шу ерда гаплашамиз, — дебди Саид ака Девятов ўша боёвутлик колонна бошлиғи Десятовга ишонмай.

## ДАВЛАТ КУЙСИНМИ?

Гулистонда бир дўкончи бўларди. Кимлигини айтмайман, ўзингиз билиб оласиз. Мен доим нонни унинг дўконидан олардим. Ҳар гал у менинг ҳақимдан уриб қолаверарди.

Бир куни ўша қурумсоққа бундай дедим:

— Амаки, ҳар сафар мендан уриб қоляпсиз. Биз, талабалар учун бу катта пул!

Дўкончи муғомбирона кулиб деди:

— Давлат куйсинми, ука?

Яна бир куни нон харид қилгани ўша дўконга қараб йўл олдим. Сотувчи яна икки сўм қайтармади. Эътироз билдириб савол бердим:

— Амаки, қайтимими бермайсизми?

— Ҳой ука, — деди у, — афти-башаранг келишган йигит экан-у, лекин кўп нарсаларга ақл-ҳушинг етмас экан-да, а?

— Мен фақат ўз ҳақимни талаб қиляпман.

— Ҳақингни талаб қилганинг яхши, лекин давлат куйсинми, а? Айт-чи, давлат куйсинми?

Кейинчалик суриштириб билсам, ўша дўкончининг исми Давлат экан.

**Пиримқул ДЎСТМАТОВ.**

# АЖАБ ДУНЁ

Барча буюк нарсаларнинг оддийлиги чиндан ҳам тўғри. Венгер ер қазувчилари бунга яна бир бор ишонч ҳосил қилдилар. Улардан бирининг кураги резина шлангга қадалди. Шланг бекорга ер тагида ётмаганди. Чақирилган чегарачилар унинг бир учи Венгрия томонидаги кўримсиз бинога, иккинчи учи қўшни Сербия далаларига олиб боришини аниқладилар.

Бир неча ойлар давомида бу шланг орқали Венгриядан Сербияга бензин оққан, ўрнига эса ароқ юборилган.

Контрабандистларнинг кашфиётчилигини қаранг.

***

Ливия давлатида бундан буён ўғри ва фоҳишалар қамоққа олинмайди. Ислом қонунларига мувофиқ ўғрининг қўли кесилади, фоҳиша эса халойиқ кўз ўнгида калтакланади.

***

Кот-д' Ивуар суди Либериядан қочган уч кишини ўлимга ҳукм қилди. Улар одам ейишда айбланадилар. Терговда аниқ ланишича, жиноятчилар 1990 йили Табу шаҳри яқинидаги қишлоқда икки ёшли болани ўлдириб еганлар.

***

Германия дўконларидаги ўғирликлар ҳозир ҳеч кимни ажаблантирмайди. Электрон асбоблар ҳам, хусусий детективлар ҳам ёрдам беролмаяпти. Кёльндаги модалар салонида ўғрини тутиб олган хусусий детективни қаттиқ азоблар кутмоқда. Чунки унинг қўлини тишлаб олган ўғри СПИД билан оғриган экан. Ўғрини полиция ушлаб кетаркан у: "Нима бўлишингни икки ойдан кейин кўрамиз" деб қичқирди.

# КЕКСАЛАР КЎНГЛИНИ ОЛИБ...

Бу ёруғ оламда меҳр-мурувват кўрсатиш инсон учун катта савоб саналади. Айниқса, ҳозирги иқтисодий танглик ҳукм сураётган бир пайтда бировнинг кўнглини кўтаришни, зиғирдек бўлсаям моддий ёрдам кўрсатишни изоҳлаб ўтириш ортиқча. Навоий вилояти ички ишлар бошқармасида ҳам халқимизга хос бу удумларга алоҳида эътибор бериб келинади.

Бошқарма раҳбарияти халқаро Қариялар куни муносабати билан ички ишлар идораларида узоқ йиллар хизмат қилган, айни пайтда кексалик гаштини сураётган фахрийларга катта ёрдам кўрсатди.

Байрам арафасида вилоят ички ишлар бошқармаси бошлиғининг муовини, милиция подполковниги Баҳодир Муқимов, бошқарма молия-иқтисод бўлими бошлиғи, ички хизмат подполковниги Юрий Тарасов ҳамда нафақа ишлари катта нозири Нина Ивановалар вилоят марказида истиқомат қилаётган кексалар хонадонларига ташриф буюришиб, отахонларга ИИБнинг қимматбаҳо эсдалик совғаларини топширдилар, уларнинг яшаш шароитлари билан танишиб, талаб-истакларини тинглаб қайтдилар.

Халқимиз осойишталиги йўлида умрларини бахшида этган Егор Возисов, Усмон Шерматов, Шакар Достонов, Николай Дерягин сингари ўнлаб фахрийлар бундай ғамхўрликдан бошлари осмондалигини яширишмади ва тадбир ташаббускорларига ўз миннатдорчиликларини билдиришди.

Суҳбат давомида улар мана шундай эътибор ва ғамхўрлик учун республикамиз раҳбариятига ташаккурлар айтиб, улар томонидан олиб борилаётган сиёсатнинг донолиги ва ҳаётийлигини қайта-қайта таъкидладилар.

**Саид МУҲАММЕДОВ,**
**Навоий вилояти ИИБ матбуот гуруҳининг нозири.**

**ОБУНА-94**

*Азиз газетхон! Имкониятни бой бермай "Постда" ва "На посту" газеталарига обуна бўлишга шошилинг! Муҳарририят ижодкорлари келаси йилдан бошлаб газеталарнинг ранг-баранг чиқиши учун барча имкониятларини ишга солмоқдалар.*

*Газеталарнинг йиллик обуна баҳоси ҳам унчалик ваҳима қиладиган даражада эмас. Ҳар бир газетанинг баҳоси:*

***бир йилга — 4680 сўм,***
***олти ойга — 2340 сўм,***
***уч ойга — 1170 сўм.***

***Нашр кўрсаткичлари: 64615 ва 64616.***

## Қидирилмоқда



Тошкент шаҳрининг Яккасарой тумани ички ишлар бўлими томонидан бедарак йўқолган, 1956 йилда туғилган, Тошкентдаги Тўқимачилар кўчаси, 8-уй, 16-хонада яшовчи **Владимир Степанович Кузнецов** қидирилмоқда. У 1993 йилнинг 28 май куни, кечки пайт онасига Сирдарёга балиқ овига боришини айтиб чиқиб кетган ва қайтиб келмаган.

**Белгилари:** юзи чўзинчоқ, сочи қора, қошлари қуюқ, лаблари қалин, даҳани тўғри, кўзлари қора.

**Алоҳида белгилари:** чап қўлида самолёт ва парашютчининг тасвири туширилган.

**Кийими:** эгнида кулранг шим, енги узун оқ кўйлак, тўқ ҳаворанг спорт курткаси (ёнида узунасига оқ йўли бор), оёғида эса тўқ кулранг (41-ўлчовли) кроссовка бўлган.



Тошкент шаҳрининг Яккасарой тумани ички ишлар бўлими томонидан бедарак йўқолган, 1935 йилда туғилган, Тошкент шаҳар, Чилонзор туманининг 17-даҳа, 46-уй, 38-хонадонида яшовчи **Бенсон Насимович Пинхасов** қидирилмоқда. У 13 сентябрь куни Горбунов кўчасидаги яҳудийлар ибодатхонасидан чиқиб, уйига қайтиб келмаган.

**Белгилари:** бўйи 175 сантиметр, юзи чўзинчоқ, лаблари юпқа, оқсочли, қошлари қуюқ, ёйсимон. Кўзлари қора.

**Кийими:** эгнида кулранг шим, рангли ялтироқ катак кўйлак, оёғида қора чарм туфли бўлган.

**Алоҳида белгилари:** ўнг қўлида "1935" рақами ёзилган.

Бедарак йўқолган В. Кузнецов ва Б. Пинхасовларнинг қаерда эканлиги ва уларнинг кейинги тақдирларидан хабари бўлган кишилардан Тошкентдаги 55-98-21, 55-94-96 рақамли телефонлар орқали хабар беришларини, шунингдек, яқин орадаги милиция бўлимига 02 рақамли телефон орқали маълум қилишларини сўраймиз.

# ЯЙРАБ ҲОРДИҚ ОЛАСИЗ ЙИЛНИНГ ИСТАЛГАН ФАСЛИДА




*Дейлик, сиз навбатдаги меҳнат таътилига чиқдингиз. Ва ойлаб йиғилган бутун чарчоғингизни ёйиш учун қаерларгадир бориб, мазза қилиб дам олгингиз келади. Хаёлингизда Сочи, Ялта, Кавказ... Аммо у ёқларга боришнинг иложи йўқ: чўнтак "касал". Нима қилиш керак?*

*Асло ташвиш тортманг! Азим Тошкент шаҳрининг шундоқ биқинида жойлашган ажойиб дам олиш маскани сизни ўз бағрига чорлайди. Бу — Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигига қарашли* **"Ўзбекистон" дам олиш уйидир.**

*Бу жойнинг ҳавосига "гап йўқ": тиниқ, мусаффо. Дам олувчиларга юқори малакали ва ғамхўр шифокорлар хизмат кўрсатадилар. Тайёрланадиган егуликлар ниҳоятда сифатли. Айниқса, ер остидан чиқиб турган минерал сув ошқозон-ичак касалликларини даф қилади.*

*Ёз мавсумида бу ерда қўшни мамлакатлар ва республикамизнинг турли вилоятларидан келган беш юздан ортиқ киши дам олди. Уларнинг сўзлари билан айтганда: "роса яйрашди".*

*Дам олиш уйининг таъриф-тавсифини икки-уч сатр билан ифодалаб бўлмайди. Яхшиси, бир келиб кетинг. Афсус чекмайсиз.*

*Ҳозир ўлкамизда айни пишиқчилик пайти. Ҳадемай қиш ҳам кириб келади. Йиғим-терим ташвишларидан қутуласиз. Ана шунда сиз пойтахтимиздан ўн икки километр нарида жойлашган "Ўзбекистон" дам олиш уйига келсангиз, ишонтириб айтамизки, барча чарчоқларингиздан фориғ бўласиз. Чунки бу маскан йилнинг исталган фаслида ҳам хизматингизга тайёр.*

*Бизнинг яхши дўстларимиз бўлиб қоладиган барча дам олишни хоҳловчиларга хабар қиламиз:*

**"Ўзбекистон" дам олиш уйига Тошкентдан 169, 176 ва 179-автобусларда бориш мумкин.**

**Йўлланмаларни харид қилишга доир саволлар бўйича 24-85-75 рақамли телефон орқали қўнғироқ қилинг.**

*Суратларда: меҳмонларни кутиб оламиз; дам олиш уйининг бошлиғи, милиция майори И. Файзиев дам олувчилар билан; дам олиш уйи биноларидан бирида.*

**Суратлари Ҳ. ШОДИЕВ олган.**





Наманган вилоят ИИБ раҳбарияти ва шахсий таркиби Поп тумани ички ишлар бўлими шахсий таркиб билан ишлаш хизматининг катта нозири, милиция лейтенанти

**Пўлатжон Нурматжонович АҲМЕДОВнинг**

бевақт вафот этганлигини чуқур қайғу билан маълум қиладилар ва марҳумнинг оила аъзолари ҳамда яқинларига самимий ҳамдардлик билдирадилар.


- Кўчириб босишда «Постда»дан эканлигини кўрсатиш шарт.
- Мақолада келтирилган рақамлар, фактлар ва бошқа маълумотлар учун, шунингдек, очиқ эълон қилиниши мумкин бўлмаган маълумотлар учун муаллиф жавобгар ҳисобланади.
- Муаллифнинг мулоҳазаси таҳририят фикрига мос тушмаслиги мумкин.
- Қўлёзмалар таҳлил қилинмайди ва қайтарилмайди.

Газета IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди.
Рўйхатдан ўтиш тартиби № 000021.
Буюртма Г — 606, 32.939 нусхада босилди.
Ҳажми — 2 босма табоқ.
Босилиш — офсет усулида.
Босишга топшириш вақти — 19.00.
Босишга топширилди — 19.00.

ТЕЛЕФОНЛАР: муҳаррир — 39-70-40, муҳаррир ўринбосари — 39-77-23, масъул котиб — 59-29-66, мухбирлар бўлими — 59-20-92, умумий бўлим — 59-21-21.

Обуна рақами — 64615.

Муҳаррир Зокир ОТАЕВ

МАНЗИЛГОҲИМИЗ: 700029, Тошкент, Наврўз кўчаси, 1.

*Ўзбекистон Республикаси Президенти Маҳкамаси Ишлар бошқармаси ҳузуридаги «ШАРҚ» нашриёт-матбаачилик концерни.*
*Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.*

Х, 2, 3, 4, 5, 6.